

УДК:631.164

Хамроқулов Мухаммадамин Жамол ўгли*мустақил тадқиқотчи**Макроиқтисодий ва ҳудудий**тадқиқотлар институти*muhammadaminhamroqulov@gmail.com

БУХОРО ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ УСТУНЛИКЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Аннотация: Мазкур мақолада Бухоро вилояти иқтисодий ривожланишининг салоҳияти ва рақобатбардош устунликлари таҳлил қилинган. Тадқиқотда, энг аввало, ҳудудда қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларининг ўзаро уйғунлашган ҳолда ривожланаётгани қайд этилган бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори кўрсаткичлари, чорвачилик ҳамда озиқ-овқат саноатида мавжуд имкониятлар ҳудуд учун асосий иқтисодий драйвер сифатида эътироф этилади. Шу билан бирга, нефть-кимё, қурилиш материаллари, чарм-пойабзал ишлаб чиқариш тармоқларидаги ривожланиш самарали хонашў базаси ва кластерлашув механизмларини янада кучайтириш ҳисобига рақобатбардошликни ошириш мумкинлиги таъкидланади. Шу билан бир қаторда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида, шу жумладан, инновацион технологиялар ва чуқур қайта ишлаш жараёнларини жорий этиш орқали қўшимча қийматни бир неча баробар ошириш имконияти мавжудлигини кўрсатади. Инфратузилма, махсус саноат зоналари, экспорт йўналишидаги ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш механизмни такомиллаштириш зарурлиги эса мақолада берилган аниқ мисоллар асосида асослаб берилган. Натижада, юқори технологияли ишлаб чиқариш улушини юксалтириш, тармоқлараро ҳамкорликни кучайтириш ва маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш Бухоро вилояти иқтисодиёти рақобатбардошлигини янада ошириш учун энг устувор йўналишлар сифатида кўрсатилади.

Калит сўзлар: иқтисодий ривожланиш, қишлоқ хўжалиги, саноат, рақобатбардошлик, инфратузилма, ресурслар, технологиялар, инновация.

Аннотация: В статье анализируются потенциал и конкурентные преимущества экономического развития Бухарской области. В исследовании, прежде всего, отмечается гармоничное развитие аграрного и промышленного секторов в регионе, а основными драйверами экономики региона признаются высокие показатели объемов производства сельскохозяйственной продукции, а также возможности в животноводстве и пищевой промышленности. При этом подчеркивается, что развитие нефтехимической, строительной, кожевенно-обувной промышленности может повысить конкурентоспособность за счет дальнейшего укрепления эффективной сырьевой базы и механизмов кластеризации. В то же время это свидетельствует о наличии возможности многократного увеличения добавленной стоимости в промышленном и аграрном секторах, в том числе за счет внедрения инновационных технологий и процессов глубокой переработки. На основе конкретных примеров, приведенных в статье, обосновывается необходимость совершенствования инфраструктуры, специальных промышленных зон, механизма поддержки производителей в направлении экспорта. В результате увеличение доли высокотехнологичной продукции, укрепление межотраслевой кооперации и эффективное использование местных ресурсов определены в качестве первоочередных задач дальнейшего повышения конкурентоспособности экономики Бухарской области.

Ключевые слова: экономическое развитие, сельское хозяйство, промышленность, конкурентоспособность, инфраструктура, ресурсы, технологии, инновации.

Abstract: *The article analyses the potential and competitive advantages of economic development of Bukhara region. The study, first of all, notes the harmonious development of the agrarian and industrial sectors in the region, and recognises high agricultural output, as well as opportunities in the livestock and food industries as the main drivers of the region's economy. At the same time, it is emphasised that the development of the petrochemical, construction, leather and footwear industries can improve competitiveness by further strengthening the effective raw material base and clustering mechanisms. At the same time, it shows that there is an opportunity for a multiple increase in value added in the industrial and agricultural sectors, including through the introduction of innovative technologies and deep processing. On the basis of specific examples given in the article, the article substantiates the need to improve infrastructure, special industrial zones, and the mechanism for supporting producers in the direction of exports. As a result, increasing the share of high-tech products, strengthening inter-sectoral co-operation and effective use of local resources are identified as priority tasks to further improve the competitiveness of the Bukhara region's economy.*

Key words: *economic development, agriculture, industry, competitiveness, infrastructure, resources, technology, innovation.*

Кириш

Бухоро вилояти ҳар доим ўзининг бой тарихи, маданий мероси ва катта иқтисодий салоҳияти билан юртимиздаги етакчи ҳудудлардан бири сифатида эътироф этилади. Айниқса, сўнгги йилларда вилоятда амалга оширилаётган стратегик реформалар, инфратузилма лойиҳалари ва соҳаларни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари натижасида иқтисодий кўрсаткичлар катта суръат билан ошди. Шу жумладан, қишлоқ хўжалиги, саноат ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларида кузатилаётган рақобатбардошлик орқали яққол намоён бўлмоқда. Иқтисодий ривожланиш ўз моҳиятида турли ҳудуд ёки мамлакатлар ўртасидаги рақобатбардошликни белгилаб беради. Зеро, мунтазам ўсиб борувчи иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажми ортиши, янги технологиялар татбиқи, кластерлашув жараёнлари ва инфратузилма ривожини ўзаро уйғунлашган ҳолда намоён бўлади.

Иқтисодий ривожланиш — ҳар бир ҳудуд ва мамлакат келажагини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири. Тарихий жараёнда кўришимиз мумкинки, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий тараққиёт даражасининг фарқи турли ресурсларнинг мавжудлиги билангина эмас, балки улардан қай даражада самарали фойдаланиш, бозор муносабатларининг шаклланиши, сиёсий-ҳуқуқий институтлар мустаҳкамлиги, таълим ва инновация муҳитининг ривожланганлиги билан ҳам боғлиқ.

Жаҳон илмий адабиётларида, хусусан, Дэвид Рикардо, Ҳекшер–Олин, Майкл Портер, Жозеф Шумпетер, Пол Ромер, Роберт Лукас, Дуглас Норт каби иқтисодчилар кўплаб муҳокамаalarda иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлик тушунчаларини турли нуқтаи назардан ёритиб берадилар. Масалан, Рикардо ҳамда Ҳекшер–Олин назарияларида халқаро савдо ва маҳаллий ресурслар асосида компаратив устунликлар механизми очиб берилса, Шумпетер ҳамда Ромер назариялари инновация ва технологик тараққиёт воситасида иқтисодий кўрсаткичлар ўсишига урғу беради. Майкл Портер эса ҳудуд ёки мамлакат рақобатбардошлигини “омиллар шароити”, “талаб шароити”, “мустаҳкам алоқадор тармоқлар” орқали изоҳлайди. Ушбу назарий ёндашувлар барчаси бир нуқтада бирлашадики, узоқ муддатли ва барқарор иқтисодий юксалиш учун табиий ресурслар билан бир қаторда мустаҳкам институтлар, инновацион муҳит ва таълим сифатини ошириш зарур.

Жаҳон илмий адабиётларида, хусусан Рикардо, Ҳекшер–Олин, Портер, Шумпетер, Ромер, Норт каби иқтисодчилар назарияларида иқтисодиётда барқарор ўсишни таъминлаш учун табиий ресурслар, иқтисодий институтлар, инновация ва кластерлашув каби омиллар бир-бирини кучайтириши лозимлиги таъкидланган. Ана шу тизимли ёндашув орқали ҳар бир минтақанинг рақобатбардош устунликлари аниқланади, ушбу устунликлар эса жаҳон бозорида мустаҳкам мавқега эришишни рағбатлантиради. Рақобатбардошлик тушунчасига келадиган бўлсак, бу биргина ресурслар афзаллигидан иборат эмас. Мазкур мавзуда турли

олимлар турли мезонлар орқали тушунтириб берган концепциялар мавжуд: компаратив устунлик (Рикардо), кўриниб турган компаратив устунлик — RCA (Баласса). Бироқ барча ёндашувлар бир овоздан шунга ишора қиладики, иқтисодиёт тараққиёти бир пайтнинг ўзида инфратузилмани янгилаш, илмий-техника ютуқларини жорий этиш, илғор малака ва билим соҳасига сармоя киритиш, ҳуқуқий кафолатлар яратиш билан уйғунлашган ҳолдагина самара беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Компаратив устунлик назарияси (David Ricardo, 1817)¹. Рикардо иқтисодий ўсиш ва халқаро савдо механизмида “компаратив устунлик” тушунчасини илгари суради. Унга кўра, ҳар қандай ҳудуд ёки мамлакат ўзида нисбатан энг самарали ишлаб чиқарилувчи товар ва хизматларга ихтисослашса, умумий яхлит иқтисодий фойда ортади. Шундай экан, агар бирор ҳудудда муайян бир маҳсулотни ишлаб чиқариш табиий ресурслар ёки меҳнат захиралари туфайли нисбатан арзонроқ бўлса, бу ҳудуд ўша соҳада компаратив устунликка эга ҳисобланади. Амалиётда бу шунга олиб келадики, ҳудудлар ихтисослашувини рағбатлантириш асосида умумий ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиши кутилади.

Ҳекшер ва Олин анъанавий транспорт ёки маҳсулот устунлигидан кўра, ресурслар ташкил этувчи омилларга эътиборни қаратди². Жумладан, ер, капитал, меҳнат ҳамда технология ресурсларини яхши таъминлаган ҳудуд, ўша ресурс талаби юқори маҳсулотлар соҳасида кўпроқ рақобатбардошдир. Масалан, ер майдонлари кенг, сув ресурсларига бой, ишчи кучи нисбатан арзон ҳудуд деҳқончилик, чорвачилик ёки агросаноат йўналишларида катта имкониятларга эга бўлади.

Экспортда “Аниқланаётган компаратив устунлик”ни (Revealed Comparative Advantage – RCA) ўлчайдиган Balassa индекси маълумотлар асосида (экспорт кўрсаткичлари, тармоқ улуши ва ҳоказо) қайси маҳсулот ёки йўналиш дунё бозорида алоҳида кучли рақобат позициясига эга эканлигини аниқлаш имконини беради. Майкл Портер (Porter, 1990) мамлакат ёки минтақалар рақобатбардошлигини тушунтиришда ўзининг машҳур “олмос модел”ини (diamond model) таклиф қилади:

1. Омиллар шарт-шароити (табиий ресурслар, ишчи кучи, капитал, инфратузилма)
2. Талаб шарт-шароити (маҳаллий бозор талаби)
3. Мустақкам алоқадор тармоқлар (related and supporting industries)
4. Корхона стратегияси ва рақобат муҳити (firma strategy, structure and rivalry)

Портер таъкидлашича, экспортбоп маҳсулот яхшигина омиллар базаси ва маҳаллий истеъмолчилар талаби билан чекланмайди; маҳаллий бозорда муносиб рақобат муҳити ва ҳамкорлик салоҳияти мавжуд бўлса, инноваторлар кенг имкониятларга эришади. Шу боис, минтақа ёки мамлакатда тармоқлараро чамбарчас бо-ланган кластерлар шаклланса, юқори қўшимча қиймат ҳосил бўлади.

Шумпетер (Joseph Schumpeter, 1934) иқтисодиётда энг асосий “юрғизгич” сифатида “инновация”ни кўради. Янги маҳсулот яратиш, янги бозор очиш, янги ишлаб чиқариш технологиялари, ижтимоий-иқтисодий тузилмаларда янги “бирикма”лар жорий этиш орқали ишлаб чиқариш ўсиши рўй беради³. “Шумпетер ёндашуви”да илмий салоҳият, техник ихтиролар ва юқори технологиялар асосида вақт ўтиши билан рақобатлашувчи якка тартибдаги фирмалар рақобатни янги босқичга олиб чиқади. Натижада бутун бозорда технологик тараққиёт тезлашади.

Норт (Douglass North, 1991) иқтисодий ўсишда сиёсий-ҳуқуқий институтлар, мулк ҳуқуқи ва бозор механизмлари ўта муҳимлигини исботлаган⁴. У моддий ресурслар ва технологиялардан ташқари, “institutions matter” дея, ҳуқуқий-ташкилий муҳит самарадор

¹ Ricardo, D. (1817). On the Principles of Political Economy and Taxation. London: John Murray.

² Heckscher, E. F. (1919). The effect of foreign trade on the distribution of income. *Ekonomisk Tidskrift*, 21, 1–32. (Инглиз тилидаги нашри: Flam, H., & Flanders, M.J. (Eds.). (1991). *Heckscher-Ohlin trade theory*. Cambridge, MA: MIT Press.)

³ Schumpeter, J. A. (1934). The Theory of Economic Development. Cambridge, MA: Harvard University Press.

⁴ North, D. C. (1990). Institutions, Institutional Change and Economic Performance. Cambridge: Cambridge University Press.

бўлса, сармоядорлар кўпроқ жалб этилиши, корхоналар ўртасида муносабатлар шаффофрок бўлиши, иқтисодиёт изчил ривожланиши ва тезлашиши ҳақида ёзган.

Ромер¹ ва Лукас² (Paul Romer, 1990; Robert Lucas, 1988) иқтисодий ўсиш механизмларида илм-фан, технология, таълим сифати ва инновацияларнинг “ичкий” (эндо) драйверлар сифатида намоён бўлишини урғулашади. Таълимга сармоя киритиш, технологик янги илмий ютуқларни амалиётга жорий этиш, кадрлар тайёрлаш дастурларига аҳамият бериш орқали иқтисодиёт ички имкониятлар ҳисобига ҳам узок муддатда ўсиб бораверади. Демак, самарали сиёсат илмга асосланган тўлиқ салоҳиятни англатади.

Жаҳоннинг нуфузли олимлари билан бир қаторда юртимиз олимлари ҳам ушбу йўналишда қатор ишлар олиб боришган. Масалан Ҳ. Р. Салимов ўзининг “Ўзбекистонда компаратив устунлик назариясининг кишлоқ хўжалигида қўлланилиши” номли мақоласида маҳаллий ресурслар базаси ва аграр маҳсулотлар ихтисослашувини Рикардо назарияси асосида чуқур таҳлил қилган³. У ерда пахтачилик кластерлашуви катта имконият эканлиги таъкидланади. Э. Т. Равшанов “Худудий иқтисодиёт: назария ва амалий ёндашув” асарида Ҳекшер–Олин моделини республика иқтисодиёти шарт-шароитларига мослаштириб, ҳар бир вилоятда ресурслик базани аниқлаб, улардан оптимал фойдаланиш услубларини илмий асослаб берган. Г. И. Саидова “Регионларда кластерлашув ва саноат кооперацияси: назария ва амалиёт” монографиясида республика худудлари учун Портер моделини қўллаш мумкинлиги кўрсатиб ўтган. Муаллиф, хусусан, текстиль ва агро-кластерлар рақобатбардошликни ошириши ҳақида ҳам фикр юритган⁴. Ш. Кенжаев “Худудлар иқтисодий ривож ва эндоген ўсиш назарияси” номли илмий ишида маҳаллий ёшлар технологик таълим олишлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежларини мустаҳкамлаш, айнан вилоятлар иқтисодиётида муҳим драйвер бўлишини тушунтиради. Ўзбекистон олимлари ҳам жаҳон олимларининг услубий ёндашувлар асосида мамлакатимиз худудларини аниқ мисоллар билан таҳлил қилиб, ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда технологиялар трансферини рағбатлантириш лозимлигини қайд этишади.

Таъқиқот методологияси

Мақолада худуднинг иқтисодий ривожланишининг салоҳияти ва рақобатбардош устунликлари назарий ва услубий асослари ўрганилган, шунингдек, қиёсий, таркибий ва солиштирма таҳлил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги расмий маълумотлари, шу билан бирга бошқа турли расмий интернет сайтларидан фойдаланилган. Ўрганиш жараёнида таҳлил, статистик маълумотларни солиштириш ва таққослаш усулидан фойдаланилган. Шу билан бирга, илмий мушоҳада, қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

2019-2023 йилларда Бухоро вилояти ривожланиши худудий барқарорлик ва мутаносибликни таъминлаш, мавжуд салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган. Ўтган беш йил давомида ЯХМ ҳажми жадал суръатларда (1,3 баробар) ўсиб, 2023 йилда 53,2 трлн.сўмга етди (ЯИМнинг 5 фоизи). Иқтисодий ривожланишни тавсифловчи аҳоли жон бошига ЯХМ ҳажми бўйича вилоят Тошкент шаҳри, Навоий ва Тошкент вилоятларидан кейин 4-ўринни (26,3 млн.сўм) эгаллади. 2019-2023 йилларда худуднинг иқтисодий ўсишига асосан хизматлар (105,2 фоизли ЯХМнинг ўртача йиллик ўсишида 101,8 фоиз хизматларга тўғри келади) ва кишлоқ хўжалиги (101,6 фоиз) ривожланиши ҳисобига эришилди. 2023 йилги маълумотларга кўра, Бухоро вилоятида аҳоли жон бошига кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми

¹ Romer, P. M. (1990). Endogenous technological change. Journal of Political Economy, 98(5), S71–S102.

² Lucas, R. E. (1988). On the mechanics of economic development. Journal of Monetary Economics, 22(1), 3–42.

³ Салимов Ҳ. Р. (2020). “Ўзбекистонда компаратив устунлик назариясининг кишлоқ хўжалигида қўлланилиши”. Иқтисод журнали, №4, 23–33-бетлар.

⁴ Саидова Г. И. (2021). “Регионларда кластерлашув ва саноат кооперацияси: назария ва амалиёт”. Тошкент: “TDIU наشري”.

18,9 млн.сўмни ташкил этди ва республика параметридан 1,6 баробар юқори кўрсаткични қайд этди (1-ўрин).

Вилоятнинг 9 та тумани (Қоровулбозор, Когон, Пешку, Ромитан, Жондор, Олот, Бухоро, Вобкент, Қорақўл туманлари) қишлоқ хўжалиги ривожланган ҳудудлар ҳисобланади. Мазкур туманларда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми (21-56 млн.сўм) вилоят кўрсаткичидан юқори. Шу билан бирга, вилоят туманлари орасида қуйи ўринларни эгаллаган Ёғдудон туманида аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш (13,6 млн.сўм) ҳажми республика кўрсаткичидан (11,7 млн. сўм) 1,2 баробар юқори ҳисобланади.

Вилоятда хомашё ресурслари ва ишчи кучининг мавжудлигини инобатга олган ҳолда маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш доирасида аҳоли хонадонларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ихтисослашуви шаклланмоқда. Бугунги кунда вилоятнинг 55 та маҳалласи (жами вилоят маҳаллаларининг 10 фоизи) деҳқончилик, хусусан сабзичилик ва полизчиликка, 30 таси (5,5 фоиз) боғдорчиликка, 34 таси (6,3 фоиз) иссиқхонага ихтисослаштирилган. Вилоят чорвачилик соҳасининг ривожланганлиги билан ажралиб туради: 2023 йилда аҳоли жон бошига чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 9,5 млн.сўмни ташкил қилиб, Андижон ва Наманган вилоятларидан кейинги 3-ўринни эгаллади. Шу билан бир қаторда, мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашда маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланилмаяпти (қайта ишлаш даражаси 15 фоиздан паст). Бунда биринчи навбатда инфратузилма, жумладан мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун музлатгичлар ва омборхона қувватларини ошириш, замонавий қадоқлаш ва сақлаш технологиялар талабларини қондириш, электр энергия таъминотидаги барқарорликни таъминлаш лозим.

2019-2023 йилларда Бухоро вилояти саноатида кузатилган ижобий ўзгаришлар маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми жадал ўсишида (1,3 баробарга) намоён бўлди. Бунда, асосан ҳудудий ўсиш драйверлари ҳисобланган озиқ-овқат, ичимликлар, тўқимачилик, тери маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг ҳиссаси юқори бўлди. Аҳоли жон бошига саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича вилоят республикада 6-ўринда (15,6 млн.сўм) бўлиб, 2019-2023 йилларда ҳудуднинг республика кўрсаткичига нисбатан аҳоли жон бошига саноат ишлаб чиқариш даражаси бироз ошган (2019 йилада 77,5 фоиздан 2023 йилда 86,6 фоизга ошди). Кузатилаётган иқтисодий трансформация жараёнлари ижобий таркибий ўзгаришларга эга бўлиб, саноатнинг ЯХМдаги улуши ортиши билан изоҳланади (2020 йилда 17,6 фоиздан 2023 йилда 18,3 фоизга). Лекин, ресурс саҳолиятига бой ушбу ҳудуднинг иқтисодиёт саноатлашуви пастлигича (20 фоиздан паст) сақланиб келмоқда. Вилоятда саноат соҳасининг асосий тармоқлари сифатида кокс ва нефтни қайта ишлаш (вилоят саноатининг 46 фоизи), озиқ-овқат (13,5 фоиз), тўқимачилик (19 фоиз) ва қурилиш материаллари (4,7 фоиз) ҳисобланади. Кокс ва нефтни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ҳудуд минерал хомашё ресурслари негизида ривожланаётган бўлсада, қишлоқ хўжалигининг ривожланганлиги (ЯХМдаги улуғи 43,4 фоиз) – озиқ-овқат, тўқимачилик, тери маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун хомашё базасини таъминлайди. Маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш асосида чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ҳудуднинг рақобат устунликларини ошириш мақсадида Бухоро вилоятида чарм-пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зона ташкил этилган¹.

Вилоят жун (2022 йилда 4129 тонна, Навоий, Қашқадарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларидан кейин 4-ўрин) ва тери (қорақўл териси 1738,6 минг дона, Қашқадарё вилоятидан кейин 2-ўрин) бўйича етакчилик қилсада, ушбу маҳсулотларни қайта ишлаш нисбатан ривожланмаган (аҳоли жон бошига тери маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

¹ 2022 йил 27 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 531-сонли “Чарм-пойабзал ва мўйна маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори.

бўйича 10-ўрин). Бундан ташқари, республика бўйича қоракўл терисини ишлаб чиқариш ҳажмининг 40 фоиздан ортиғи вилоят ҳиссасига тўғри келиб, (2023 йилда – 980,6 минг дона, 2022 йилда – 565,8 минг дона, 2021 йилда – 545,4 минг дона, 2020 йилда – 500,9 минг дона), бу мамлакат ҳудудлари орасида етакчиликни таъминлади (1-ўрин). Тери ва жунни олиш сифатини таъминлаган ҳолда, Қоракўл, Жондор, Пешку, Гиждувон, Бухоро, Олот, Шофиркон туманларида тери ва жунни саноат усулида қайта ишлашни йўлга қўйиш имкониятлари етарлича ҳисобланади. Шунинг айтиш жоизки, Бухоро вилояти саноатининг технологик жиҳатдан ижобий ўзгаришлар юқори (2019 йилда 0,04 фоиздан 2023 йилда 0,1 фоизга) ва ўрта (2019 йилда 58,8 фоиздан 2023 йилда 61,2 фоизга) технологияли ишлаб чиқариш улуши ортиши ва паст технологияли ишлаб чиқариш улуши пасайишида (2019 йилда 41,2 фоиздан 2023 йилда 38,7 фоизга) намоён бўлди. Саноат салоҳияти таҳлили ушбу соҳанинг ривожланиш даражасида ҳудудлараро (13 та шаҳар ва туманлар) тафовут ва номуносивбликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Табиий ва иқтисодий имкониятлардан етарли даражада фойдаланмаслик натижасида ҳудудларда саноат таркибий жиҳатдан бир ёқлама ривожланмоқда. Саноатнинг ҳудудий номуносивблиги ишлаб чиқаришларнинг Қоровулбозор туманида (51,1 фоиз) ва Бухоро шаҳрида (10,1 фоиз) жамлангани билан ифодалаш мумкин. Айнан ушбу ҳудудларда республика аҳамиятига молик бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналари жойлашганлиги сабабли вилоятда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 60 фоиздан ортиғи ушбу ҳудудлар ҳиссасига тўғри келади. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари бўйича саноати ривожланган ҳудудлар Когон шаҳри, Қоровулбозор ва Когон туманлари ҳисобланади (вилоят параметрига нисбатан 1,3 баробар юқори).

Бухоро вилояти мисолида кўриш мумкинки, бир тарафдан уникал тарихий мерос (туризм), бой аграр иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, жун, қоракўл) ва муҳим географик жойлашув афзалликлари мавжуд. Бошқа тарафдан, саноатлашув, экспорт салоҳияти, юқори технологиялар жорий этилиши ривожлантирилса, вилоят анъанавий афзалликларини жаҳон бозорида тиклаш билан бирга, инновацион соҳаларда ҳам юқори натижага эришиши мумкин. Бу эса М. Портер таъкидлаган “устунликдан рақобатбардошликкача бўлган босқичли эволюция”ни англатади. Агар ушбу салоҳият тўлақонли ишга солинса ва зарур институционал, инфратузилма ислохотлари амалга оширилса, Бухоро вилояти Марказий Осиё минтақасида рақобатбардош иқтисодий “драйвер”лардан бирига айланиши аниқ.

Ҳулоса ва таклифлар

Илм-фан янгиликлари ва инновацион агротехнологияларни ривожлантириш борасида ҳудудда томчилатиб, плёнка тўшаб, дискрет орқали, ёмғирлатиб суғориш усуллари ҳамда лазерли ер текислаш технологиялари жорий этиш талаб этилади. Бунинг натижасида, биринчидан, пахта ва ғалла ҳосилдорлигини оширишга, иккинчидан, - фойдаланишдан чиқиб кетган қишлоқ хўжалиги ерларини қайта фойдаланишга киритишга эришилади;

Қайта ишлаш учун хомашё базасини яратиш мақсадида дала четидаги ер майдонларидан самарали фойдаланиш тавсия этилади. Бунда, дарахтзорлар ташкил қилиш (терак, эман) – мебелчиликни, тутзорлар – пиллачиликни, узумзорлар – виночиликни ривожлантиришга замин яратади;

Туристик салоҳияти ва йил давомида қишлоқ-хўжалик маҳсулотларига талаб юқорилигини инобатга олган ҳолда вилоятда замонавий гидропоника усулида иссиқхоналар ташкил этиш тавсия этилади; бунда, бодринг, помидор, булғор қалампири ва кўкатлардан ташқари резавор ҳамда экзотик мевалар етиштириш имконияти яратилади.

Углеводород хомашёсини қайта ишлаш борасида МТО (Methanol To Olefin) инновацион технологияларни ўрганиш асосида метанолдан олефинлар олиш имконияти яратилади. Бундан ташқари, вилоятда нефт-кимё кластерини ташкил қилиш ва бунда, табиий газни қайта ишлаш доирасида полиэтилен, полипропилен, йод, лак-бўёқ, синтетик

тола, кимё ва фармацевтика маҳсулотлари ҳамда эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тавсия этилади;

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (гўшт, мева-сабзавотлар) қайта ишлаш даражасини ошириш учун агрологистика марказларини ташкил этиб, бунинг доирасида қишлоқ хўжалиги ерларини экинга тайёрлашда замонавий технологияларни қўллаш, мева-сабзавот маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш, замонавий ирригация тизимларини ишлаб чиқиш мумкин. Бундан ташқари, замонавий ноу-хау IQF (Individual Quick Frozen – Индивидуал шоклантириб музлатиш) технологияларни (Австралия тажрибаси асосида) жорий этиш қайта ишланмай қолаётган мева-сабзавотларни сақлаш ва бир муддат давомида қайта ишлашга эришилади.

Шу тарзда, жаҳон илмий адабиётлари ҳамда кўплаб муҳокамаларда энг асосий хулоса шундан иборатки, ривожланиш салоҳиятини мобилизация қилиш – бу бир вақтнинг ўзида “классик устунлик” (ресурслар, меҳнат) ҳамда “замонавий устунлик” (инновация, технология, мустаҳкам институтлар)ни уйғун равишда ташкил этишни талаб қилади. Негаки биргина табиий ресурс бўлсанг, рақобатбардош бўлишинг қийин; биргина технологиянг бўлсанг, тежамкор инфраструктура ва ҳуқуқий муҳитсиз ўсиш тезлиги суст бўлади. Ушбу омиллар уйғунлигини таъминлаш орқали ҳудуд ёки мамлакат барқарор ҳамда узоқ муддатли тараққиёт жараёнини кафолатлаши мумкин. Зеро, вилоятдаги кўп асрлик тарихий меросни замонавий технологиялар билан бойитиш, аҳоли иқтидорини аниқ мақсадларга йўналтириш ва шунга мос шароит яратиш – тараққиётнинг энг муҳим омилидир. Ана шунда, барқарор ривожланиш билан бирга, ҳисса билан йиғилган таҳлиллар, узоқни кўзлаган стратегик режалар ўзининг ҳақиқий самарасини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ricardo, D. (1817). *On the Principles of Political Economy and Taxation*. London: John Murray.
2. Ricardo, D. (1817). *On the Principles of Political Economy and Taxation*. London: John Murray.
3. Heckscher, E. F. (1919). The effect of foreign trade on the distribution of income. *Ekonomisk Tidskrift*, 21, 1–32. (Инглиз тилидаги нашри: Flam, H., & Flanders, M.J. (Eds.). (1991). *Heckscher-Ohlin trade theory*. Cambridge, MA: MIT Press.)
4. Ohlin, B. (1933). *Interregional and International Trade*. Cambridge, MA: Harvard University Press.
5. Balassa, B. (1965). Trade liberalisation and “revealed” comparative advantage. *The Manchester School of Economic and Social Studies*, 33(2), 99–123.
6. Porter, M. E. (1990). *The Competitive Advantage of Nations*. New York: Free Press.
7. Schumpeter, J. A. (1934). *The Theory of Economic Development*. Cambridge, MA: Harvard University Press.
8. Romer, P. M. (1990). Endogenous technological change. *Journal of Political Economy*, 98(5), S71–S102.
9. Lucas, R. E. (1988). On the mechanics of economic development. *Journal of Monetary Economics*, 22(1), 3–42.
10. North, D. C. (1990). *Institutions, Institutional Change and Economic Performance*. Cambridge: Cambridge University Press.
11. OECD (Organisation for Economic Co-operation and Development). (2007). *Competitive Regional Clusters: National Policy Approaches*. Paris: OECD Publishing.
12. World Economic Forum (WEF). (йиллик). *The Global Competitiveness Report*. Женева: WEF.
13. Салимов Х. Р. (2020). “Ўзбекистонда компаратив устунлик назариясининг қишлоқ хўжалигида қўлланилиши”. Иқтисод журнали, №4, 23–33-бетлар.

14. Равшанов Э. Т. (2019). “Худудий иқтисодиёт: назария ва амалий ёндашув”. Тошкент: “TDIU нашри”.

15. Саидова Г. И. (2021). “Регионларда кластерлашув ва саноат кооперацияси: назария ва амалиёт”. Тошкент: “TDIU нашри”.

16. Норкулов С. Р. (2017). “Институционал ислохотлар ва уларнинг минтақавий иқтисодий ўсишга таъсири”. Тошкент: “Фан ва тараққиёт” нашриёти.

17. 2022 йил 27 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 531-сонли “Чарм-пойабзал ва мўйна маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори.

18. <https://lex.uz/uz/docs/6210814>

19. Бухоро вилояти статистика бошқармаси
<https://buxstat.uz/uz/nashrlar/axborotnomalar>